

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

**2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг
Давлат бюджети тўғрисида**

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади 2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан (бундан буён матнда республика бюджети деб юритилади) ушбу Қонунга мувофиқ ажратиладиган бюджет маблағларидан фақат 2025 молия йили давомида фойдаланилади ва улар келгуси молия йилига ўтказилмайди.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ўзининг жорий харажатларини, шу жумладан давлат ривожлантириш дастурларини (бундан буён матнда ривожлантириш дастурлари деб юритилади) амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан иқтисод қилинган маблағлар доирасида бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) қарорига асосан республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг 10 фоизгача бўлган чекланган миқдорларини Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган ўз тасарруфидаги ташкилотларга йўналтиришга ҳақли.

Вазирликлар ва идоралар ички аудит хизматлари томонидан баҳоланган тегишли ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижалари тўғрисидаги

ҳисоботларни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги гендерга доир Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак яқунлари билан кейинги ойнинг 10-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этади.

Ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик миллий ва давлат дастурларини, шунингдек ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришга доир лойиҳаларни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга чет эл манбаларидан (чет давлатлардан, халқаро ташкилотлардан, халқаро молия ва иқтисодий институтлардан, чет эл ҳукуматларининг молия ташкилотларидан) ажратиладиган грант маблағларининг (бундан миқдорлари ва тармоқларини Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мустақил равишда аниқлаш шартлари (имкониятлари) билан ажратиладиган грант маблағлари мустасно) белгиланган миқдорлари ушбу Қонунга ўзгартириш киритилмасдан кўпайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги, шунингдек ривожлантириш дастури мақсадли индикаторларининг бажарилиш ҳолати ҳақидаги ҳисоботларини эшитишни амалга оширади.

2-боб. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджет параметрлари

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджет даромадлари ва харажатлари

2025 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда 2026 – 2027 йиллар учун бюджет мўлжаллари 1-иловага мувофиқ, уларни тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилган 2025 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2026 – 2027 йиллар учун мақсадли мўлжаллар 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4-модда. Давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ва харажатлари

2025 йил учун давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози маълумот учун қабул қилинсин ҳамда уларнинг харажатлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5-модда. Республика бюджетининг даромадлари прогнози ва харажатлари

2025 йил учун республика бюджетининг даромадлари прогнози 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2025 йил учун биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ҳокимияти органлари ва республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, суд ва прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига солиқлар, давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий жарималар ҳамда молиявий санкциялар ҳисобидан келиб тушадиган маблағларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан республика бюджетига ўтказилиши мумкин.

6-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари

2025 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари 6-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2025 йил учун республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу Қонунда назарда тутилган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорларини Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнозининг ижросидан қатъи назар, камайтиришга йўл қўйилмайди.

7-модда. Айрим тўловлар ставкалари

2025 йил учун:

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний ва юридик шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 8-иловага мувофиқ (солиқ солиш мақсадида);

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимларнинг чекланган ставкалари 9-иловага мувофиқ;

чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимларнинг ставкалари 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришда қўлланиладиган божхона божлари ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

8-модда. Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини шакллантириш

2025 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми 1,0 трлн сўм миқдорида белгилансин.

2025 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг (бундан туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга доир маблағлари мустасно) камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилади.

Бунда давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилган ҳудудларда тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари ушбу механизмлар жорий этилган йилдан олдинги йилдаги ҳажмидан кам бўлмаган миқдорларда шакллантирилади ҳамда қўшимча маблағларни шакллантириш тегишинча юқори турувчи бюджетларнинг захира жамғармалари маблағларини камайтириш ҳисобига амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини, вилоятларнинг вилоят бюджетларини ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ижро этиш чоғида юқори турувчи бюджетдан ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар миқдорлари ошган тақдирда, тегишли бюджетлар захира жамғармаларининг белгиланган миқдорлари қайта кўриб чиқилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағлар ажратилган тақдирда ушбу Қонунга ўзгартиришлар киритилмайди.

9-модда. 2025 йилда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими барқарорлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг олти ойлик ижроси яқунлари бўйича даромадлари прогнози бажарилмаган ва жорий молия йилининг охирига қадар уларнинг келиб тушиши учун етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда:

республика бюджети умумий харажатларининг 3 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги харажатларни қисқартириш Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан;

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоизидан кам миқдордаги харажатларни қисқартириш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашилари томонидан қабул қилинади.

Бюджетлар харажатларини қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағларини олувчиларнинг бюджет маблағларини ўзлаштириши, шунингдек қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олинади. Бунда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни камайтириш Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 120-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида олинadиган давлат қарзининг ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг чекланган ҳажмини белгилаш

2025 йил учун:

Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 5,5 млрд АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун – 3,0 млрд АҚШ доллари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун – 2,5 млрд АҚШ доллари;

Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 30,0 трлн сўм;

давлат томонидан қабул қилинадиган мажбуриятлар (сотиб олиш ёки тўлаб бериш) ва тасдиқ хатлари берилиши талаб қилинадиган барча давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосидаги имзоланадиган янги лойиҳалар қийматининг чекланган ҳажми 6,5 млрд АҚШ доллари миқдорида белгилансин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдорини белгилаш

2025 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизи миқдорида белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллиги чекланган миқдорининг ошиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан қўшимча харажатлар фақат қўшимча даромад манбаи мавжуд бўлганда ёки бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига амалга оширилади.

3-боб. Бюджетлараро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

12-модда. 2025 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқларнинг қуйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан жисмоний шахслар томонидан тўланадиган, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

айланмадан олинадиган солиқ;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно);

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно);

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумларининг камида 50 фоизи (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно);

давлат активларини ижарага беришдан тушумлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган даромад турларини қўллаганда, туман ва шаҳарлар бюджети даромадлари харажатларидан кўп бўлса юқори турувчи бюджетларга ажратмаларни кўзда тутиши мумкин.

Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар);

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар);

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни яқуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

тамаки маҳсулотлари (импорт орқали кирган маҳсулотлардан ташқари) учун акциз солиғи бўйича тушумлар, тегишинча ўтган молия йилининг 1 июль

ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигидан олинган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонига мувофиқ. Бунда даромадлар бўйича прогнознинг бажарилмаган қисми Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади, даромадлар бўйича прогнознинг ошириб бажарилган қисми эса республика бюджети ихтиёрида қолади.

Солиқлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қуйидаги улушларда:

жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан тушган тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага беришдан олинadиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 66 фоизи, Тошкент вилоятида 51 фоизи, Тошкент шаҳрида 12 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

фойда солиғидан тушган тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланadиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинadиган даромадларидан тўланadиган фойда солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 70 фоизи, Тошкент вилоятида 49 фоизи, Тошкент шаҳрида 12 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан, пиво (импорт орқали кирган алкоголь маҳсулотлари ва пиводан ташқари) учун ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланadиган акциз солиғининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 30 фоизи ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қонунчиликда белгиланган миқдорларда тақсимланadиган қуйидаги даромадлар республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

давлат божлари;

жарималар;

йиғимлар;

давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушумлар.

Қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат активларини сотишдан маҳаллий бюджетларга тушadиган тушумлар туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар

ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида тенг улушларда тақсимланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари:

тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни (шу жумладан ушбу модданинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган даромадларни) ҳамда бюджетлараро трансфертларни тақсимлашга;

даромадларнинг прогнозини ошириб бажаришдан олинган маблағларнинг бир қисмини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун беришга ҳақли.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари ушбу Қонунга 8-илованинг 1-бандида белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига нисбатан туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб 2,0 гача оширувчи коэффицент қўллашга ҳақли. Бунда Тошкент шаҳри халқ депутатлари Кенгаши томонидан ушбу коэффицент Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ер солиғини ҳисоблаш мақсадларида белгиланган зоналар кесимида қўлланилади.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари туманлар ҳамда шаҳарларнинг оммавий дам олишга ва (ёки) туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ўсиб борувчи коэффицентларни жорий этишга ҳақли.

Агар қонунчиликда даромадларнинг бюджет даражалари бўйича тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлган даромадларнинг турлари республика бюджетига ўтказилади;

маҳаллий бюджетларга ўтказилиши лозим бўлган даромадларнинг турлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилади.

Бюджет тизими бюджетларига ортиқча ёки нотўғри тўланган тушумларнинг суммаларини қайтариш уларни қайтариш санасида амалда бўлган ажратмалар нормативларига мувофиқ тегишли бюджет тизими бюджетларидан, бекор қилинган даромад турлари бўйича эса республика бюджетидан амалга оширилади.

Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2025 йилнинг 1 июлига қадар 2024 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2025 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда

давлат улуши мавжуд бўлган олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар 2024 ва 2025 йиллардаги давлат улуши бўйича соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар учун дивидендлар тўлаш миқдори ва даврийлигини қонунчиликда белгиланган тартибда аниқлашга ҳақли.

13-модда. 2025 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган кўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг кўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Чораклар якунлари бўйича ушбу Қонуннинг 6-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаган ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш бўйича чоралар кўриш билан бирга тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан сўров билан мурожаат қилади ҳамда мазкур таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тегишли чоракдаги маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бажарилмаган ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли мавжуд бўлмаган бюджет даромадлари турларининг прогноз кўрсаткичлари аниқлаштирилади ҳамда ушбу сумма бошқа даромад манбалари ёки республика бюджети ҳисобидан қопланади.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳам Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига худди шундай тартибда мурожаат қилади.

Қуйидагилар тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналарини сақлаш харажатлари;

суд бошқарувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар.

Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилади:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг соғлиқни сақлаш муассасалари объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашга, шунингдек суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ҳамда таъмирлаш ишларига доир харажатлар;

Солиқ кўмитасининг ҳудудий органларини сақлаш харажатлари;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ҳудудий органларини сақлаш харажатлари;

коллежлар ва техникумларни сақлаш харажатлари.

Қуйидагилар республика бюджетидан молиялаштирилади:

кам таъминланган оилаларга болалар нафақаларини ва моддий ёрдамларни тўлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг тизим ташкилотларини (болалар ва меҳрибонлик уйлари, вояга етмаганлар билан ишлаш секторлари ҳамда оилавий болалар уйлари) сақлаш харажатлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг мактабгача таълим ва умумтаълим ташкилотлари ҳамда ихтисослаштирилган мактаблари объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашга доир харажатлар;

Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармасини, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаларини, шунингдек сув омборларидан фойдаланиш бошқармаларини сақлаш харажатлари.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар ҳудудий иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан шакллантирилган тарифлар бўйича ҳисоб-китоблар, дастлаб нархларни тартибга солувчи органлар томонидан кўриб чиқилиб декларация қилинади.

Иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) йил давомида қайта кўриб чиқиш яқунларига кўра иссиқлик билан таъминловчи корхоналар аҳолига пасайтирилган тарифлар қўлланилиши натижасида кўрган зарарларининг ўрнини қоплаш учун қўшимча маблағларга бўлган талаб Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунини бузганлик учун жавобгарлик

“2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

15-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

16-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

17-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун 2025 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

2025 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда 2026–2027-йилларга бюджет мўлжаллари

млрд сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	2025 йил учун прогноз	Бюджет мўлжаллари:	
			2026 йил	2027 йил
I.	Консолидациялашган бюджет даромадлари	431 065,3	496 453,9	564 993,0
1.	Давлат бюджети даромадлари	308 546,9	353 767,3	406 065,5
2.	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари *	66 516,1	81 759,1	94 099,7
3.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	22 249,4	24 474,3	26 187,5
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушумлар	33 752,9	36 453,1	38 640,3
II.	Консолидациялашган бюджет харажатлари	480 330,6	551 948,4	629 049,7
1.	Давлат бюджети харажатлари *	290 209,1	343 569,0	400 183,9
2.	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	117 234,5	129 427,0	143 170,5
3.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг сарфланиши	20 293,7	21 474,3	22 887,5
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг сарфланиши	33 752,9	36 453,1	38 640,3
5.	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	18 840,4	21 025,0	24 167,5
III.	Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	54 367,2	52 052,6	53 466,4
IV.	Давлат бюджетига трансфертлар	10 480,0	10 400,0	10 400,0
V.	Консолидациялашган бюджет сальдоси (профицит +, дефицит -)	-49 265,3	-55 494,5	-64 056,8
VI.	Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари сальдоси (профицит +, дефицит -)	-32 380,6	-37 469,5	-43 189,3
VII.	Давлат қарзларини сўндириш	46 083,9	50 013,7	58 264,2

* Бюджетларо трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда

**2025 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий
макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2026–2027-йилларга
мақсадли мўлжаллар**

Т/р	Кўрсаткичлар	2025 йил учун прогноз	Мақсадли мўлжаллар	
			2026 йил	2027 йил
1.	Ялпи ички маҳсулот, трлн сўм	1 630	1 866	2 125
2.	Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	6,0	6,1	6,3
3.	Истеъмол нархлари индекси, ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, фоизда	7	5-6	5
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	6,1	6,2	6,1
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиқларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	4,1	4,2	4,3
6.	Бозор хизматлари ўсиш суръати, фоизда	14,5	15,1	15,0
7.	Қурилиш ишларининг ўсиш суръати, фоизда	14,2	10,2	7,3

**2025 йил учун давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш
ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ҳамда уларнинг харажатлари**

млн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
I.	Жами — Давлат мақсадли жамғармалари	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	14 979 008,1
	Даромадлар прогнози	76 996 129,4
	Давлат бюджетидан трансфертлар	54 367 210,0
	Харажатлар	127 714 490,4
	<i>шу жумладан:</i>	
	Давлат бюджетига трансфертлар	10 480 000,0
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	18 627 857,1
1.	«Эл-юрт умиди» жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	7 272,4
	Даромадлар прогнози	20 000,0
	Давлат бюджетидан трансфертлар	600 000,0
	Харажатлар	627 272,4
	<i>шу жумладан:</i>	
	Жамғарма стипендиатларини хориждаги нуфузли таълим муассасаларда таълим олишини ва стажировкадан ўтишини ташкил этиш	618 497,4
	Хорижий олимлар ва мутахассисларни, шу жумладан ватандошларимизни республикада меҳнат фаолиятини амалга оширишга жалб этиш	675,0
	Жамғармани сақлаш билан боғлиқ харажатлар	6 600,0
	Бошқа харажатлар	1 500,0
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	0,0
2.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкий зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	0,3
	Даромадлар прогнози	
	Давлат бюджетидан трансфертлар	550 000,0
	Харажатлар	550 000,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан қабул қилинган дастурлар, топшириқлар асосида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш	550 000,0
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	0,3
3.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	2 402 383,8
	Даромадлар прогнози	58 926 440,8
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ижтимоий солиқ тушумлари	55 504 038,3
	Бошқа даромадлар	3 422 402,5
	Давлат бюджетидан трансфертлар	18 546 000,0
	Харажатлар	74 939 280,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Фуқароларга давлат пенсияларининг барча турлари учун тўловлар, шунингдек пенсия ва нафақаларни етказиб бериш харажатлари	74 934 280,0
	Бошқа харажатлар	5 000,0
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	4 935 544,6
4.	Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	122,4

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	Даромадлар прогнози	216 286,9
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ижтимоий солиқ тушумлари	155 954,8
	Қонунчиликда назарда тутилган талабларни бузганлик учун белгиланган тартибда қўлланиладиган маъмурий жазолардан ундириладиган жарималар	31 140,6
	Бошқа даромадлар	29 191,4
	Давлат бюджетидан трансфертлар	240 000,0
	Харажатлар	456 409,3
	<i>шу жумладан:</i>	
	Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларида иш қидираётган ва ишсиз мақомига эга шахс сифатида рўйхатдан ўтган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш	257 683,4
	Ишсизларга муддатидан олдин пенсиялар тайинланиши муносабати билан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг харажатларини қоплаш	19 871,6
	Ишсизлик бўйича нафақалар, ишсизларга компенсациялар, стипендиялар, моддий ёрдам ва бошқа тўловларни тўлаш	64 940,6
	Бандликка қўмаклашиш марказлари, вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш ҳудудий марказлари, ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув марказларининг айрим бўлимларини моддий-техник таъминлаш ва сақлаб туриш	56 913,7
	Ишга жойлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш, вакансиялар ҳамда банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш соҳасида ахборот-компьютер тизимлари ва технологияларини яратиш, ривожлантириш ва техник қўллаб-қувватлаш, шу жумладан дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва техник воситаларни харид қилиш	11 000,0
	Субсидиялар тўлаш	32 000,0
	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига ажратмалар	10 000,0
	Бошқа харажатлар	4 000,0
	Йил охирига қўпилаётган қолдиқ	0,0
5.	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	
	Йил бошига қўпилаётган қолдиқ	97 190,8
	Даромадлар прогнози	115 024,3
	<i>шу жумладан:</i>	
	Лицензия битими доирасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижда юборувчи ташкилотларнинг маблағларини захиралаш ҳисобидан тушумлар	11 560,0
	Рухсатнома (иш берувчига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат) ва тасдиқнома (чет эл фуқаросига меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳужжат) берилганлиги учун йиғимлардан тушум	70 264,3
	Бошқа даромадлар	33 200,0
	Давлат бюджетидан трансфертлар	
	Харажатлар	177 028,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, мураккаб молиявий аҳволга тушиб қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларга моддий ёрдам кўрсатиш	4 400,0
	Меҳнат миграциясида бўлган даврда жароҳат олиши туфайли тиббий ёрдам талаб этилган фуқароларга тиббий хизмат кўрсатиш	1 200,0
	Меҳнат миграциясида бўлган даврда вафот этган фуқароларнинг жасадларини, шунингдек хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида майиб бўлган ёки оғир тан жароҳати олган фуқароларни олиб келиш	7 000,0
	Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширган даврда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини сугурталаш бўйича сугурта суммасининг ўрнини қоплаш учун сугурта компанияларига бир йўла бериладиган субсидиялар бериш	1 000,0

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	Хорижий тиллар ва (ёки) касб бўйича малака имтиҳонларини топшириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш	15 300,0
	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширишга «ишчи виза»ни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш	20 400,0
	Йўл чиптасини харид қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш	10 200,0
	Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган фуқароларни кетиш олдидан мослаштириш, касбга тайёрлаш, уларнинг касбий малакасини тасдиқлаш марказларини республика ҳудудларида ташкил этиш ва жиҳозлаш	9 600,0
	Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг хорижий ваколатхоналарини ташкил этиш, жиҳозлаш ва сақлаб туриш	73 775,0
	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига ажратмалар	17 453,0
	Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш билан боғлиқ харажатлар	1 700,0
	Бошқа харажатлар	15 000,0
	Йил охирига кутилаётган қолдиқ	35 187,1
6.	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси	
	Йил бошига кутилаётган қолдиқ	182 808,3
	Даромадлар прогнози	1 715 229,1
	<i>шу жумладан:</i>	
	Абонент рақамдан фойдаланганлик учун тўловдан тушумлар	1 315 175,8
	Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия берилганлиги учун давлат божидан тушумлар	116 019,7
	Республикада ўрнатилган автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган қоидабузарликлар учун ундирилган жарималардан тушумлар	264 000,0
	Бошқа даромадлар	20 033,6
	Давлат бюджетидан трансфертлар	
	Харажатлар	1 696 069,8
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгиланган ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантиришга оид вазифаларни ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кузатиб бориш, электрон ҳуқумат ва рақамли иқтисодиёт тизимларини шакллантириш, ривожлантириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кузатиб бориш	273 717,4
	Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, унинг ўқитувчилари ва ходимларини қўшимча рағбатлантириш учун харажатлар	10 020,0
	«Киберхавфсизлик маркази» ДУК фаолиятини молиялаштириш	75 000,0
	Рақамли технологиялар вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар	557 450,8
	«Хавфсиз шаҳар» ягона интеграциялашган тизимларини яратиш ва ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар	264 000,0
	Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳамда таълим йўналишидаги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар	236 200,0
	Бошқа харажатлар	279 681,6
	Йил охирига кутилаётган қолдиқ	201 967,7
7.	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	
	Йил бошига кутилаётган қолдиқ	58 817,0
	Даромадлар прогнози	240 000,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Жойлаштириш воситаларидан ундириладиган туристик (меҳмонхона) йиғимдан тушумлар	220 000,0
	Бошқа даромадлар	20 000,0
	Давлат бюджетидан трансфертлар	100 000,0

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	Харажатлар	382 950,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Туризм соҳасидаги мақсадли дастурларни молиялаштириш	40 000,0
	Хорижий туризм бозорларида мамлакат туризм салоҳиятини тарғиб қилиш учун харажатлар	50 000,0
	Туризм қўмитаси, шу жумладан унинг ҳудудий бўлиналари ва тизим ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар	118 500,0
	Субсидиялар тўлаш	126 450,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Янги меҳмонхоналар қуриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларининг ҳамда дунёнинг таниқли ва нуфузли меҳмонхона брендларидан фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ташкилотлар роялти харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар тўлаш	100 000,0
	Туроператорлар томонидан туристик оқим паст бўлган хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасига олиб келинган ҳар бир турист учун субсидиялар ажратиш	6 000,0
	Туроператорлар ва авиаташувчиларнинг хорижий мамлакатлардан Самарқанд, Бухоро ва Урганч халқаро аэропортларига амалга оширган чартер авиакатновлари бўйича ҳар бир хорижий турист учун субсидия ажратиш	8 000,0
	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида минг нафар I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар тўлаш	500,0
	Эшитиш қобилиятини йўқотган ногиронлиги бўлган шахслар учун сурдогидлар тайёрлаш курслари харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар тўлаш	1 950,0
	Тадбиркорлик субъектлари томонидан меҳмонхонанинг камида учта хонаси ногиронлиги булган шахслар уриндиқли аравачасидан фойдаланиши учун қулай тарзда жиҳозланганда, шунингдек, эшитиши ва кўриши учун дисплей ҳамда овозли қурилмалар ўрнатилганда, ушбу тадбиркорлик субъектларига ҳар бир махсус жиҳозланган хона учун субсидиялар тўлаш	10 000,0
	Туристтик (меҳмонхона) йиғимдан келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Хавфсиз туризмни таъминлаш жамғармасига ўтказиладиган маблағлар	22 000,0
	Театрлаштирилган томоша ва концерт дастурларини ташкил этиш учун Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказмалар	2 000,0
	«Юлдуз билан саёҳат» лойиҳасини амалга ошириш учун Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказмалар	4 000,0
	Олдинги йилларда жалб этилган кредитларни қайтариш	20 000,0
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	15 867,0
8.	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	1 049 868,3
	Даромадлар прогнози	1 352 992,5
	<i>шу жумладан:</i>	
	Жалб этиладиган кредитлар (қарзлар) бўйича Ўзбекистон Республикаси номидан давлат кафолатлари берилганлиги учун ундириладиган мукофот пули	43 278,7
	Вақтинча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан ва юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция қилишдан тушумлар	199 047,6
	Халқаро облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни депозитга жойлаштириш, кредит линиялари очиш ва бюджет ссудаларини ажратишдан фоиз тарзида тўланадиган даромадлардан олинган фойда солиғи миқдорида республика бюджетидан ажратма	34 863,4
	Халқаро молия институтлари, хорижий давлатлар ва ташкилотлардан жалб қилинган қарз маблағларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари депозитига жойлаштиришдан олинган даромадлар	237 962,0
	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг прогноздан ошириб бажарилган қисмининг 50 фоизи миқдорида ажратма	150 000,0
	Бошқа даромадлар	687 841,0
	Давлат бюджетидан трансфертлар	
	Харажатлар	2 112 885,6

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	<i>шу жумладан:</i>	
	Қарздор ташкилотлар давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда қарздор ташкилотлар томонидан қайта қоплаш шarti билан қарз тўловларини амалга ошириш	2 106 811,5
	Бошқа харажатлар	6 074,2
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	289 975,2
9.	Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	62 086,2
	Даромадлар прогнози	45 852,4
	<i>шу жумладан:</i>	
	Тижорат банкларига имтиёзли асосда кредитлар ажратиш учун берилган ресурсларнинг қайтиши	35 426,0
	Тижорат банкларига имтиёзли асосда кредит ажратиш учун берилган ресурслар бўйича олинадиган фоизлар	9 426,4
	Бошқа даромадлар	1 000,0
	Давлат бюджетидан трансфертлар	50 000,0
	Харажатлар	113 500,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан ногиронлиги бўлган, кам таъминланган хотин-қизларни моддий қўллаб-қувватлаш	50 000,0
	Ёш қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилишига қўмаклашиш	4 440,0
	Хотин-қизларни касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлашга қўмаклашадиган ҳамда уларнинг муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларга ва тадбиркорлик субъектларига грант маблағларини ажратиш	10 000,0
	Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши томонидан хотин-қизлар масалалари бўйича ўтказиладиган халқаро тадбирларни ташкил этиш ва Ўзбекистон делегациясининг халқаро тадбирларда иштирок этиши билан боғлиқ харажатларини қоплашга қўмаклашиш	14 000,0
	Республика хотин-қизлар тадбиркорлик маркази, унинг ҳудудий бўлинмаларини (филиалларини) сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, уларнинг фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларда ташкил этилган ўқув курсларининг мутахассисларига соатбай ҳақ тўлаш	24 560,0
	Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш билан боғлиқ харажатлар	5 500,0
	Бошқа харажатлар	5 000,0
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	44 438,6
10.	Бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	3 326 027,3
	Даромадлар прогнози	11 800 000,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Давлат активларини (корхоналар, хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги акциялар, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ ва давлат мулки ҳисобланадиган бошқа мулкларни) реализация қилишдан тушган маблағлар	11 787 000,0
	Бошқа даромадлар	13 000,0
	Давлат бюджетидан трансфертлар	
	Харажатлар	11 800 000,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Жамғарма тасарруфида қоладиган маблағлар	198 000,0
	Бошқа харажатлар	1 122 000,0
	Давлат бюджетига трансфертлар	10 480 000,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига	10 080 000,0
	Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига	400 000,0
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	3 326 027,3
11.	Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	43 370,4

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	Даромадлар прогнози	5 000,0
	Давлат бюджетидан трансфертлар	22 386 210,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Республика бюджетидан	1 319 045,8
	Маҳаллий бюджетлардан	21 067 164,2
	Харажатлар	22 386 210,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам доирасида тиббий хизматларни давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотларидан харид қилиш	22 295 357,5
	Жамғарманинг ижро этувчи апаратини сақлаш билан боғлиқ харажатлар	90 852,6
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	48 370,4
12.	Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	6 172 711,2
	<i>шу жумладан:</i>	
	Таълим кредитини молиялаштириш учун тижорат банклари депозитларига жойлаштирилган маблағлар	6 172 711,2
	Даромадлар прогнози	500 000,0
	Давлат бюджетидан трансфертлар	2 800 000,0
	Харажатлар*	550 000,0
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	8 922 711,2
	<i>шу жумладан:</i>	
	Таълим кредитини молиялаштириш учун тижорат банклари депозитларига жойлаштирилган маблағлар	8 922 711,2
13.	Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	240 715,8
	Даромадлар прогнози	
	Давлат бюджетидан трансфертлар	6 180 000,0
	Харажатлар	6 420 715,8
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ автомобиль йўллари, кўприklar ва йўл ўтказгичларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек объектларни жиҳозлаш ва техникалар харид қилиш	2 500 000,0
	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини мукамал ва жорий таъмирлаш, сақлаш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан боғлиқ харажатлар	3 505 715,8
	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш	405 000,0
	Автомобиль йўллари қўмитаси ҳузуридаги лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳларини сақлаш харажатлари	10 000,0
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	0,0
14.	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	118 212,5
	Даромадлар прогнози	
	Давлат бюджетидан трансфертлар	1 150 000,0
	Харажатлар	1 150 000,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш дастурига мувофиқ ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек лойиҳа-тадқиқот ишларини молиялаштириш	1 150 000,0
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	118 212,5
15.	Илим-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	2 514,7
	Даромадлар прогнози	98 610,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига патент божлари, йиғимлар ва солиқ тоифасига қирмайдиган бошқа тўловлардан келиб тушадиган маблағлардан тушумлар	87 125,0
	Бошқа даромадлар	11 485,0

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	Давлат бюджетидан трансфертлар	715 000,0
	Харажатлар	816 124,7
	<i>шу жумладан:</i>	
	Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун харажатлар	570 019,7
	Янги ва замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораторияларни ташкил қилиш ва қўшимча жиҳозлаш учун харажатлар	96 640,0
	Ёш олимларнинг қисқа муддатли илмий стажировкаларини молиялаштириш учун харажатлар	31 335,0
	Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш харажатлари	11 750,0
	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар	106 380,0
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	
16.	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	974 095,2
	Даромадлар прогнози	1 354 638,5
	<i>шу жумладан:</i>	
	Жарималар, дивидендлар ва бошқа мажбурий тўловлардан ажратмалар	138 115,9
	Бошқа тушумлар	1 196 522,6
	Бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар	20 000,0
	Давлат бюджетидан трансфертлар	
	Харажатлар	1 789 320,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ижтимоий харажатлар	1 729 320,0
	Бошқа харажатлар	60 000,0
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	539 413,8
17.	Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	149 799,7
	Даромадлар прогнози	50 000,0
	Давлат бюджетидан трансфертлар	600 000,0
	Харажатлар	671 125,8
	<i>шу жумладан:</i>	
	«Спинал мушак атрофияси» ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш учун харажатлар	271 125,8
	Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни тиббиёт муассасаларига жалб қилиш учун харажатлар	50 000,0
	Соғлиқни сақлаш тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларига компьютерлар, планшетлар, мультимедиа ва тармоқ қурилмалари, дастурий таъминотларни харид қилиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш учун харажатлар	50 000,0
	Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар	300 000,0
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	128 673,9
18.	Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	22 849,3
	Даромадлар прогнози	164 554,8
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ижтимоий солиқ тушумлари	155 954,8
	Бошқа даромадлар	8 600,0
	Давлат бюджетидан трансфертлар	300 000,0
	Харажатлар	485 598,9
	Йил охирига қутилаётган қолдиқ	1 805,2
19.	Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	
	Йил бошига қутилаётган қолдиқ	68 162,3
	Даромадлар прогнози	391 500,0
	Давлат бюджетидан трансфертлар	150 000,0
	Харажатлар	590 000,0
	<i>шу жумладан:</i>	

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	Республика худудида янги боғ ва токзорлар яратиш лойиҳаларини молиялаштириш	300 000,0
	Йил охирига кутилаётган қолдиқ	19 662,3
II.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва таракқиёт жамғармаси	
	Даромадлар прогнози	22 249 400,0
	Харажатлар	20 293 700,0

* Тижорат банклари билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ўртасида имзоланган депозит шартномасига мувофиқ таълим кредити учун ажратилган маблағлар келгусида ушбу Жамғармага қайтиши сабабли харажатларда акс эттирилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг
2024 йил « ____ » _____ даги ЎРҚ- ____ -сонли Қонунига
4-ИЛОВА

**2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари
прогнози**

млрд. сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари		242 710,6
1.	Бевосита солиқлар	65 700,0
1.1	Фойда солиғи	49 704,8
1.2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	15 995,2
2.	Билвосита солиқлар	98 787,4
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	71 837,9
2.2	Акциз солиғи	15 480,5
2.3	Божхона божи	11 469,0
3.	Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	20 308,4
3.1	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	20 308,4
4.	Дивидендлар	34 098,6
5.	Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар	23 816,3

**2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали
бюджет маблағларини тақсимловчиларига ажратиладиган маблағларнинг чекланган
микдорлари**

		млн сўм
Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, жами	281 377 646,9
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	203 061 214,4
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	31 389 776,9
	объектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	11 552 552,0
	давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	33 300 045,8
	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар	18 427 800,0
	қайта тақсимланадиган маблағлар	15 036 034,7
1.	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	59 464 225,6
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	55 454 225,6
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	6 631 679,0
	умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш билан боғлиқ харажатлар	1 300 000,0
	Таълим соҳасидаги ислохотларга қўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш	250 000,0
	Мактабгача ва мактаб таълими вазири жамғармаси маблағларини шакллантириш	120 000,0
	мактабларда маънан эскирган компьютер синфларини янгилаш учун харажатлар	200 000,0
	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги муассасаларнинг спорт жиҳозлари билан таъминлаш учун харажатлар	62 079,0
	хорижий ўқитувчиларни жалб қилиш харажатлари	250 000,0
	умумтаълим мактабларини миллий чолғу асбоблари билан таъминлаш учун харажатлар	50 000,0
	Давлат мактабгача таълим ташкилотларини дидактик материаллар билан таъминлаш	40 000,0
	Давлат мактабгача таълим ташкилотларига планшетлар харид қилиш харажатлари	50 000,0
	<i>шу жумладан қайта тақсимланадиган маблағлар:</i>	
